

## БОЛАЛАР АУДИТОРИЯСИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЖУРНАЛИСТИК АСАРЛАРДА КОММУНИКА- ТИВ-ПРАГМАТИК ЁНДАШУВ

Н.А.Мирзаева, PhD, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар  
университети

**Изох:** Маколада болалар аудиториясига мўлжалланган журналистик асарларда коммуникатив-прагматик ёндашувнинг аҳамияти ўзига хослиги, коммуникатив таъсирни кучайтириш усуллари, оммавий ахборот воситаларининг ёш авлод психологиясига таъсири таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** болалар аудиторияси, коммуникатив ўзига хослик, самара, ОАВ таъсири, болалар психологияси.

### Кириш ва гипотеза

Замонавий тилшуносликда коммуникатив-прагматик тадқиқотларга қизиқиш, энг аввало, тилга интегратив коммуникатив-фаол ёндашувни тушуниш билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлди. Олимларнинг эътибори, айниқса, сўнгги ўн йилликларда нафақат нутқ фаолиятининг барча аспектларини ўрганишга, балки турли хил коммуникация бирликларини, хусусан, прагматик омиллар билан биргаликда ўрганилаётган матн ва дискурс каби кўп ўлчовли объектларни кўриб чиқишга қаратилмоқда.

Замонавий дунё турли хил ижобий ва салбий хабарларга тўла ахборот технологиялари оламидир. XX аср бошларидан оммавий ахборот воситаларининг роли сезиларли даражада ошди ва ҳозир ахборот технологияларидан нафақат катталар, балки болалар ҳам ҳар куни фойдаланмоқда. Бундай ўзгаришлар ва болаларнинг оммавий ахборот воситаларига қизиқиши ортиши муносабати билан оммавий ахборот воситаларининг бола руҳиятига таъсири бугунги куннинг долзарб муаммосига айланди.

Журналистика ва оммавий ахборот воситаларининг инсон онгига таъсири билан боғлиқ муаммолар ҳамда оммавий ахборот воситаларининг болаларга доир ижтимоийлашув функцияси чуқур ижтимоий ўзгаришлар босқичидаги замонавий ахборот жамияти шароитида жиддий илмий қизиқиш уйғотади. Ушбу жараёнлар М.Е.Аникина, Л.Б.Доржиева, Д.А.Жукова, Я.Н.Засурский ва бошқа муаллифларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган. Бироқ ушбу тадқиқотларда фақат замонавий жамиятнинг умумий муаммолари ва унда оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти ўрганилган.

Оммавий ахборот воситаларининг ёш авлодга таъсирини ўрганиш жараёнида кузатиш, таққослаш, индукция ва дедукция каби умумий илмий усуллардан фойдаланилди. Муаммонинг ўрганилган томонларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, болалар журналистикасини ижтимоий онгни шакллантиришнинг муҳим омили сифатида психология, социология, сиёсатшунослик каби бир неча илмий фанларнинг ўзаро уйғунлигида тадқиқ этиш мумкин. Айнан болалар ОАВ мисолида уларни бир-бирига таққослаш ва таҳлил қилиш орқали назарий фикрлар асосланди.

“Болалар психологияси ўзига хос хусусиятлари, қоидалари билан ажралиб туради. Рус олими, психолог Елена Смирнованинг фикрича: “Болалар психологияси – бу боланинг ақлий ҳаётига хос хусусиятларни

N.A.Mirzaeva, Senior  
Lecturer (PhD),  
Journalism and Mass  
Communications  
University of Uzbekistan

МИРЗАЕВА Наргиза  
Абдукахаровна, старший  
преподаватель (PhD),  
Университет журнали-  
стики и массовых ком-  
муникаций Узбекистана

ва болаликдаги ақлий ривожланиш қонуниятларини ўрганадиган фан”-дир (Смирнова,2008,19). Айни пайтда, ёш ўқувчиларни болалар матбуотининг бир қисмига “киритиш”да ёрдам беради, маълум бир ижтимоий муассасанинг яна бир гуруҳига (мактаб, дўстлар, оила) кўрсатма беради, у ёки бу ерда маълум бир хатти-ҳаракат, вазиятларни (ҳикоядаги мисоллардан фойдаланиш, ўқувчиларнинг хатларига жавоблар ва бошқалар) шакллантиради.

### Усуллар ва манбалар

“Ота-оналар кўпинча боласи қандай мультфильмларни кўриши ва қайси дастурларни танлаши, қандай ўйинларни афзал билишига унчалик аҳамият бермайди. Болалар телевизор, интернет, радио ва бошқалар орқали чексиз “филтрланмаган” маълумотлар оқимида дуч келишади. Улар орқали болаларга тобора кўпроқ “билим” узатилади, сингдирилади, бироқ ҳар доим ҳам болалар уларнинг маъносини тушунмайдилар. Шунинг учун боланинг ҳали шаклланмаган онгига бундай таъсир қандай оқибатларга олиб келишини олдиндан айтиш қийин. Олимлар оммавий ахборот воситаларининг боланинг руҳияти ва онгига таъсири ҳақида тобора кўпроқ гапиришмоқда” (Светловская, 1999,201 ).

“Оммавий ахборот замонавий жамиятнинг ажралмас ҳодисаларидан бири бўлиб, турли ёшдаги одамларнинг кундалик фойдаланганидан воситасига айланган. “Омма, оммавийлик” сўзлари кенг маънода бўлиб, ахборотнинг кенг миқёсда тарқалишидир. Демак, оммавий ахборот умумистеъмол ва умумаҳамиятга эга ҳодиса.

Телевидение, радио, интернет, газета, журналлар уни тарқатиш воситаларидир. Барча оммавий ахборот воситалари қуйидагиларга бўлинади: электрон, босма ва ахборот агентликлари” (Алексеева,2014,18). Ушбу оммавий ахборот воситаларидан телевидение ва интернет болалар орасида энг кенг тарқалгани бўлиб, улар бола руҳиятига кучли таъсир кўрсатади.

Боланинг психологик ривожланишига ижтимоий омиллардан ташқари, биологик омиллар ҳам таъсир кўрсатади. Инсон психикасининг шаклланиши она қорнида содир бўлади. Ҳар бир бола танасининг тузилиши ва фаолиятининг индивидуал хусусиятлари билан туғилади. Руҳиятнинг тўла ривожланиши мия ярим шарининг тўғри ишлашига, шунингдек, марказий нерв фаолиятига боғлиқ. Миянинг ривожланмагани ёки шикастланиши оқибатида ақлий ривожланиш бузилиши мумкин.

Биологик омиллар бола психикаси ва унинг индивидуал хусусиятлари ривожланишида муҳим роль ўйнайди, лекин таъкидлаш керакки, булар фақат соғлом бола психикаси шаклланишининг зарур шартларидир. Ирсият ва бошқа биологик омиллар фақат келажакдаги ривожланиш учун имкониятлардир. Муҳими, муайян ирсий хусусият боланинг ташқи фаолиятига, унинг атрофдагилар билан муносабатига таъсир кўрсатади. Боланинг ақлан соғлом ривожланиши учун миянинг тўғри ишлаши ва мойиллиги етарли эмас, балки унга қобилият, фикрлаш, кўникмалар, муайян хатти-ҳаракатлар ва мулоқот шакллари ривожланганидан ижтимоий муҳит керак.

Боланинг руҳиятини соғлом шакллантиришда ривожланиш жараёнида ўзлаштирилган ижтимоий тажриба етакчи роль ўйнайди. Ижтимоий муҳитга киришиб кетган бола маълум бир қонуният бўйича шаклланади, бу эса жамиятнинг ривожланиш даражаси ва ушбу тарихий босқичдаги етакчи фаолият билан белгиланади. Шунинг учун ҳам

турли тарихий даврларда болалар турлича ривожланади. Демак, ижтимоий муҳит кўпроқ ақлий ривожланиш манбаи ҳисобланади, чунки унда бола ўзлаштириши лозим бўлган барча нарса мавжуд. Ижтимоий муҳит хулқ-атвор нормаларини, яхшилик ва ёмонлик тушунчаларини, ижтимоий муносабатлар моделларини, анъана ва урф-одатларни, диний қадриятларни, ижтимоий-сиёсий вазият ва бошқаларни ўз ичига олади. “Ижтимоий муҳит” тушунчасида бола психологияси ривожланишига бевосита таъсир кўрсатадиган ижтимоий муҳит (оила, дўстлар, тарбиячилар, ўқитувчилар) назарда тутилади. Мактабгача ёшдаги болаларда катта қизиқиш уйғотадиган катталар ва катталар дунёси бу борада алоҳида роль ўйнайди. Бу боланинг хатти-ҳаракатлари мезонини ва бола шахсидаги барча янги шаклланишлар учун асос бўлган катталар қиёфасини белгилайди.

Болалар журналистикаси журналистиканинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. У катталар томонидан болалар ва ўсмирлар учун яратилган оммавий ахборот воситалари тўплами ва медиа муҳитда мустақил алоқа тизими сифатида қаралади. У ёш авлодни жамиятнинг интеллектуал ва маънавий потенциали билан таништиради, катта авлоддан ёш авлодга ахборот узатишни таъминлайди. Шу билан бирга, болаларнинг ўзаро мулоқот қилишига имкон яратади. Унинг кўмагида билан ёшлар дунёни ўрганадилар. Умуман олганда, болалар журналистикаси махсус ижтимоий институт ҳисобланади ва у жамият билан боғлиқ муайян вазифаларни бажаради. Ахборот, маърифий, ўқув, когнитив ва ижтимоийлашув унинг асосий функцияларидир. Шу нуқтаи назардан, болалар журналистикасида ОАВнинг ўрнига ва унинг бола психологиясига таъсирига эътибор қаратилади ва айнан журналистикада болаларга оид матбуот нашрлари, радио ва телевидение ҳамда интернетнинг аҳамиятига урғу берилади.

Болалик каби ижтимоий-маданий ва психофизиологик ҳодиса билан боғлиқ муаммолар жуда муҳим саналади ва ҳеч қачон илмий долзарблигини йўқотмайди. Чунки болалик даврида нафақат индивидуал ақлий жараёнлар (сезги, идрок, хотира, тафаккур) ривожланиб боради, балки бу даврда бола шахс сифатида шаклланади, қобилият ва қизиқишлари ортиб, асосий характер-хусусиятлари ривожланади. Индивидуал ақлий жараёнлар ривожда оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, болалар журналистикаси боланинг дунё, жамият, маданият ва ўзи ҳақидаги тушунчасини ўзгартира бошлайди.

### Натижалар

Швед болалар адибаси Астрид Линдгренинг таъкидлашича, “Болалар китоб ўқиётганда мўъжиза содир бўлади. Китобдаги сирли мўъжизаларнинг барчасини яратиш ёлғиз ёзувчининг қўлидан келмайди. Бу жараёнда ёзувчига китобсевар болалар олами кўмакка келади” (ziyouz.uz). Болалар учун ёзилган китоблар улар дунёқарашининг, инсоний фазилатларининг шаклланишига ва феъл-атворига таъсир кўрсатади. Шунингдек, болаларнинг олам ва одам ҳақидаги билимларини бойитиб, луғат бойлиги ошишига хизмат қилади.

Тарихий-ижтимоий ривожланиш жараёнида бола ижтимоий ҳаётда ўзини англаши ва шахс сифатида тенгдошлари жамоасида ўз ўрнини топиши, шу билан бирга, катталарнинг муҳитида ўзини намоён қилиши мумкин.

Катталарнинг маданиятидан фарқли ўлароқ, болаларнинг туғёнли, ҳис-ҳаяжонли олами бирор-бир амалий фойдали мақсадга хиз-

мат қилиш учун юзага келмаган. Болалар – бу алоҳида дунё, унда индивиднинг ҳаётий тажрибаси шаклланади.

Бола тенгдошлари орасида ёшига яраша одоб-ахлоқ, ўзини тутиш меъёрларига риоя қилади, қийин вазиятларга мослашади ва дуч келган муаммоларга ечим топишга ўрганади, ўзининг эмоционал муаммоларини ҳал қилади, бошқаларга таъсир кўрсатишни ўрганади, ўзини, дунёни ва одамларни англай бошлайди. Профессор И.С.Кон учта асосий тизимни ажратиб кўрсатади:

1. болалар ўйини;
2. болалар фольклори;
3. мулоқот, болаларнинг коммуникатив тартиби.

Катталар ижоди болага маданиятнинг тарихидан, унинг ютуқларидан фойдаланишга имконият туғдиради, унга маданиятли одам бўлиши учун шароит яратади. Шу тариқа, инсон нафақат маданият яратувчиси, балки унинг маҳсули бўлиб қолади.

М.В.Осорина боланинг улғайиш жараёнида унда дунёни англашнинг шаклланишида учта асосий омилга эътиборни қаратади:

- биринчиси, “катталар маданияти”нинг таъсири ва бу таъсир унга ота-онадан ўтади, қолаверса, бунда тарбиячиларнинг ҳам ўрни бор;
- иккинчиси – бу боланинг ўзининг хатти-ҳаракати ва бу хатти-ҳаракат турли хил ижодий-ақлий фаолиятда намоён бўлади;
- учинчиси, субмаданиятнинг таъсири; у авлоддан авлодга анъанавий равишда ўтади.

Е. Пронинанинг фикрича, аудитория алоҳида шахс ёки бутун жамиятдан иборат бўлса, журналист ёзган матни ва саъй-ҳаракатлари билан аудиториянинг руҳиятига таъсир этувчи коммуникатор вазифасини бажаради. Коммуникатор аудиториянинг нафақат руҳиятига таъсир қилади, балки унинг фикрини шакллантиришга ҳам хизмат қилади. Журналистикада фикрни шакллантириш ОАВнинг асосий вазифаси – жамоатчилик онгига таъсир этиш ва уни шакллантиришдан кейин иккинчи ўринда туради. Шундай қилиб, замонавий журналистиканинг бош вазифаси одамларда фуқаролик жамияти талабларига жавоб берадиган, жамиятни демократлаштириш ва бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқадиган ижтимоий-психологик сифатлар, қарашлар ва ишончни шакллантиришдан иборатдир. В.В.Ворошиловнинг бу фикри айнан болалар аудиториясига ҳам тааллуқлидир. Айнан, болалар ОАВ ўз аудиторияси вакилининг онги ва фикрини шакллантиришда, уларнинг руҳиятига таъсир қилишда етакчи ўринни эгаллайди.

Тадқиқот оммавий ахборот воситаларининг ёш авлодга таъсири муаммосини, шунингдек, унда ота-оналарнинг роли ва ўрнини таҳлил қилган олимларнинг нуқтаи назарига асосланди.

### Муҳокама

Мактабгача ёшдаги болалик – бу бола шахсининг илк шаклланиш даври, шунингдек, шахсий хатти-ҳаракатлар мотивларининг ривожланиш даври. “Айнан шу даврда мотивацион эҳтиёжларга талаб катта бўлади. Бу даврда катталарнинг “мумкин” ва “мумкин эмас”, “яхши” ва “ёмон” сўзилари боланинг хулқ-атворини тартибга солади” (Шаповаленко, 2005, 219). Шундай қилиб, бу даврда катталарнинг болалар ёнида бўлиши ва уларнинг хатти-ҳаракатларига эътибор бериши жуда муҳимдир. Аммо бугунги ҳаётнинг замонавий шиддати кўпинча ота-оналарнинг фарзандлари билан етарли даражада вақт ўтказишига имкон қолдирмайди. Оқибатда болалар тобора ўз ҳолига ташлаб қўйилмоқда.

Ота-оналар телевизор ёки компьютерни ёқиб, унинг ёнида болани ёлғиз қолдириб, уй юмушларини бажаришга киришиб кетадилар. Аммо бола интернет билан ёлғиз қолиб, нима қилаётгани уларга номаълум.

“Бола ҳақида фикр юритар эканмиз, уни биз ўзимизнинг муҳитимизга, замон ва маконимизга олиб кириб эмас, аксинча, биз унинг муҳитига кириб боришимиз, унинг замон ва маконида туриб мулоқот ўрнатимиз лозим” (Йўлдошев, 2011).

“Замонавий компьютер технологиялари, “оммавий маданият” ёшларни реал ҳаётдан чалғитиб, беҳабар қолдириб, лоқайд қилувчи кўплаб омилларни пайдо қилди. Булар: компьютер ўйинлари, Интернет, виртуал воқелик, кино, телевидение. Айниқса, педагог, психолог ва социологлар онлайн ролли ўйинлари феноменидан, лудоманларнинг соатлаб, кунлаб виртуал дунёларида қолиб кетишларидан ташвишга тушмоқдалар” (Акрамова, 2020).

Мактабгача ёшдаги болалар аллақачон телеканалларни мустақил равишда алмаштира олади. Ота-оналар болани мультфильмлар томоша қилиши учун ёлғиз қолдириб, унинг кейинги ҳаракатларини назорат қилмайди ва оқибатда бола канални ўзгартириб зўравонлик, қотилликлар, ўз жонига қасд қилиш, одобсиз саҳналар ва ҳоказоларни кўрсатадиган дастурларга дуч келиши мумкин. Америкалик психологлар томонидан олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, ўн икки ёшга келиб ўсмирлар телевизорда юз минглаб зўравонлик ва қотиллик саҳналарига гувоҳ бўлишади (Труфанова, 2014,209 ).

Вояга етган одам учун бундай маълумотни тушуниш ва танқидий баҳолаш осон. Ҳали воқелик моҳиятини тушунмайдиган бола учун эса ҳамма нарса ҳақиқий ва табиий, деб қабул қилинади. Болалар психологияси катталарникидан фарқ қилади. Болалар, айниқса, мактабгача таълим муассасасидаги тарбияланувчилар дунёнинг дахлсизлиги ва очиклигига, эзгулик ва адолатга ишонадилар. Бу ҳақда болалар ёзувчиси К.И.Чуковский шундай деб ёзган эди: “Икки ёшдан бешгача бўлган барча болалар ҳаётнинг фақат қувонч, чексиз бахт учун яратилганига ишонишади ва бу эътиқод уларнинг нормал психологик ўсиши учун энг муҳим шартлардан биридир” (Романенко,1987,141).

Бу кузатиш болалар даврий нашрлари предмет соҳасининг муҳим жиҳатини аниқлаш имконини беради. Болалар оптимистик бўлиши керак, шунда яхшилик ёмонлик устидан, ҳақиқат эса ёлғон устидан ғалаба қилади.

### Хулосалар

Оммавий ахборот воситаларининг болага таъсирининг муҳим натижаси – бу ҳис-туйғуларнинг пасайиши. Ҳар куни телевизор, интернетда очик намоёиш этилаётган зўравонлик саҳналарини томоша қилган болалар кўрқмай ва ҳеч нарсадан жирканмай кўядилар. Онг ҳали шаклланмаган, яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги фарқни аниқ-тиниқ идроклай олмайдиган бола фильмларда кўрсатилган саҳналарни ўз даражасидан келиб чиқиб идрок қилади, кўришга одатланади ва бу унинг учун табиий ҳолга айланади.

Хулоса қилиб айтганда, ахборот технологияларининг ривожланиши, шубҳасиз, замонавий жамиятнинг ютуғидир. Оммавий ахборот воситалари етказаетган ахборот оқимидан тўғри фойдаланилса, бу тараккиётга фойдали таъсир кўрсатиши тайин. Шунга қарамай, ота-оналар фарзандларининг тўғри тарбияланиши учун телевизор, радио ва интернетда берилаётган ҳамма нарсани “филтрдан” ўтказишни ўрганиши керак, боланинг соф онгини оммавий ахборот воситаларида тўлиб-то-

шиб ётган “чиқинди”лардан ҳимоя қилиши керак. Болалар фильмларда, янгиликларда, видеоларида ва ҳатто зарарсиздек туюладиган мультфильмларда кўрган нарсаларни онгсиз равишда борича қабул қилади. Бола ўзи кўрган ҳолат, вазиятни холис баҳолай олмайди, у фақат тақлид қилиши мумкин. Шунинг учун оммавий ахборот воситаларидан болаларнинг назоратсиз фойдаланиши даҳшатли оқибатларга олиб келиши мумкин. Фарзандлар билан кўпроқ вақт ўтказиш, сайр қилиш, интеллектуал ўйинлар ўйнаш, китоб ўқиш орқали оммавий ахборот воситаларининг бола руҳиятига салбий таъсири камайтириш мумкин.

#### Адабиётлар рўйхати

Акрамова Ш. Глобаллашув шароитида ёшларда дахлдорлик туйғусини оширишнинг долзарб масалалари. <http://yomi.uz/wp-content/uploads/2020/03/Maqolalar-toplami.pdf>

Алексеева М.И., Болотова Л.Д., Варганова Е.Л. и др Средства массовой информации России: учеб. пособие для студентов вузов / Под ред. Я. Н. Засурского. — М.: Аспект-Пресс, 2014.

Йўлдошев М. Жажжи даҳолар тарбияси. — Т.: Tafakkur, 2011. <https://library.sammi.uz/Vadiiy-adabiyotlar/Jajjidaholartariyasi.pdf>

Романенко А.Р. Мир сказочный и мир реальный / А.Р.Романенко. — М.: Художественная литература, 1987.

Светловская Н.Н. Детская книга и детское чтение / Н.Н.Светловская. — М.: Академия, 1999.

Смирнова Е.О. Детская психология. Учебник. — Владивосток: Владос, 2008.

Труфанова В.П. Влияние средств массовой информации на развитие личности ребенка // Научное сообщество студентов XXI столетия. Гуманитарные науки: сб. ст. по мат. XVII междунар. студ. науч.-практ. конф. № 2(17). URL: [http://sibac.info/archive/guman/2\(17\).pdf](http://sibac.info/archive/guman/2(17).pdf)

Шаповаленко И.В. Возрастная психология (Психология развития и возрастная психология). — М.: Гардарики, 2005.

<https://ziyouz.uz/suhbatlar/astrid-lindgren-baxt-bu-yozish-imkoniyati/>

#### КОММУНИКАТИВНО-ПРАГМАТИЧЕСКИЙ ПОДХОД В ПУБЛИЦИСТИЧЕСКИХ ПРОИЗВЕДЕНИЯХ, ПРЕДНАЗНАЧЕННЫХ ДЛЯ ДЕТСКОЙ АУДИТОРИИ

Н.А.Мирзаева, PhD, Университет журналистики и массовых коммуникаций  
Узбекистана

**Аннотация:** В статье анализируется своеобразие значимости коммуникативно-прагматического подхода в публицистических произведениях, предназначенных для детской аудитории, методы усиления коммуникативного эффекта, влияние СМИ на психологию подрастающего поколения.

**Ключевые слова:** детская аудитория, коммуникативные особенности, эффект, влияние СМИ, детская психология.

#### COMMUNICATIVE-PRAGMATIC APPROACH IN JOURNALISTIC WORKS INTENDED FOR CHILDREN'S AUDIENCE

N.A.Mirzaeva, Senior Lecturer (PhD), Journalism and Mass Communications University  
of Uzbekistan

**Abstract:** The article analyzes the peculiarity of the significance of the communicative-pragmatic approach in journalistic works intended for a children's audience, methods for enhancing the communicative effect, and the influence of the media on the psychology of the younger generation.

**Keywords:** children's audience, communication features, effect, media influence, child psychology.